

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОНДА ОММАВИЙ-МАДАНИЙ ТАДБИРЛАР ВА УЛАРНИНГ ЖАМИЯТ ТАРАҚҚИЁТИДАГИ АҲАМИЯТИ

Мавлудаҳон Нажметдинова

Санъатшунослик факультети “Мусиқа таълими ва маданият”
кафедраси катта ўқитувчиси

АННОТАЦИЯ

Мазкур мақолада оммавий-маданий тадбирлар тушиунчаси ва унинг жамият маънавий янгиланиши жараёни ҳамда оммавий-маданий тадбирларнинг жамият тараққиётидаги аҳамияти фалсафий нуқтаи назардан таҳлил қилинади. Шунингдек, мақолада оммавий-маданий байрам тадбирлари кишиларнинг ижтимоий маданий имкониятларини тўла намоён қилиши ҳамда жамиятда маънавий соглом муҳитни яратилишида асосий омили эканлиги ҳақида маълумот берилади.

Калим сўзлар: оммавий-маданий тадбирлар, маънавият, мусиқа, ҳалқ сайиллари, сўз санъати, янгиланиши, юксалиши, ватанпарварлик, маънавий-маданий байрамлар.

АННОТАЦИЯ

В данной статье с философской точки зрения анализируется понятие масс-культурных мероприятий и его процесс духовного обновления общества, а также значение масс-культурных мероприятий в развитии общества. Также в статье представлена информация о том, что массово-культурные праздничные мероприятия являются основным фактором создания нравственно здоровой среды в обществе, а также полного проявления социального и культурного потенциала людей.

Ключевые слова: общественно-культурные мероприятия, духовность, музыка, народные песни, речевое искусство, обновление, подъем, патриотизм, духовно-культурные праздники.

ABSTRACT

This article reveals in detail mass cultural holidays as the main factor in the spiritual health of a person and society, as well as the creation of the necessary conditions for the full manifestation of a person's sociocultural potential. From a philosophical point of view, the concept of mass cultural events and its process of spiritual renewal of society is analyzed, as well as the importance of mass cultural events in the development of society.

Key words: mass-cultural events, spirituality, music, folk songs, speech art, renewal, rise, patriotism, spiritual-cultural holidays

КИРИШ

Жаҳоннинг энг илғор мамлакатлари сафидан муносиб ўрин эгаллаётган янги Ўзбекистонда тинч ва фаровон келажак пойдеворини мустаҳкамлаш мақсадида жадал ислоҳотларни амалга ошираётган, янгиланиш-юксалишлар давом этаётган юртимизда инсонга эҳтиром, ватанпарварлик ғоялари атрофида бирлашишни тақазо этмоқда. Бу эса мазкур жараёнларни ёшлар онгига сингдириш, уларнинг ижтимоий фаоллигини ошириш, сиёсий-хуқуқий тафаккурини ўстириш, маънавий-маърифий ва мафқуравий дунёқарашини юксалтиришга қаратилган тарғибот-ташвиқот ишларини кенгайтириш, такомиллаштириш заруратини юзага келтиради.

Дунёning айрим худудларида тараққиётлар натижасида катта маънавий ўқотишлиар юз берәётгани, миллатнинг асрий қадриятлари, миллий тафаккури ва тумуш тарзи издан чиқаётгани, ахлоқ-одоб, оила ва жамият ҳаёти онгли яшаш тарзи жиддий хавф остида қолаётганини кузатиш мумкин. Энг ёмони, бундай хуружларнинг пировард оқибати одамни ўзи туғилиб ўсган юрти ва халқидан тонишга, ватанпарварлик туйғуларидан маҳрум этишга ва ҳамма нарсага лоқайд бўлган шахсга айлантиришга қаратилгани намоён бўлмоқда¹.

Ана шундай салбий ҳолатларни бартараф этиш, олдини олиш, мафқуравий иммунитетни кучайтириш, мафқуравий профилактика ишларининг самарадорлигини ошириш, миллий ғояларни ёшлар онгига сингдириш масалаларида оммавий-маданий тадбирларга эҳтиёж сезилади.

Оммавий-маданий тадбирлар шахснинг ижодий имкониятларини эркин намоён қилишда сезиларли даражада муҳим роль ўйнайди. Мазкур байрамлар, ўзининг умумий тузилиши ва ижодий ўзгарувчанлик хусусиятига асосланган ҳолда шахснинг ижодий маънавий имкониятларини жамулжам қилиб тўплаш имкониятини берадиган маданий дам олиш тадбирларидир².

Байрам – халқнинг шодлик ва хурсандчилик кунидир, - деган эди Шарқнинг буюк олими Маҳмуд Қошғарий. Ҳақиқатан ҳам байрамлар туфайли шодиёналар, тантанали воқеалар, муҳим саналар, улкан ютуқлар нишонланади³. Байрам – бу маълум вақтдаги идеал ҳаётдир⁴. Шунингдек, оммавий-маданий байрам тадбирларининг бадиий мазмuni ва талқиний даражаси шу даражада юксакки, оммавий халқ байрамларини ташкил қиласиган масъуллар зиммасига катта вазифалар юкланади. Демак, оммавий-маданий байрамлар шахснинг ижтимоий маданий имкониятларини тўла намоён қилиши учун зарур шарт-

¹ Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. –Т.: Маънавият. 2008. –Б. 12-13

² Қаранг: Носирова А. Жонли сўз санъати асослари. –Т.: Ўқув қўлланма. 2003. –Б. 182

³ Қорабоев У. Ўзбек халқи байрамлари. –Т.: Шарқ нашриёт – матбаа акциядорлик компанияси бош таҳририяти. 2002. –Б. 3

⁴ Мазаев А.И. Праздник как социально-художественное явление. –М.: Наука. 1978. С. 172

шароитлар яратади. Шунингдек, мазкур дам олиш оммавий байрам тадбирларидан самарали фойдаланиш шахс ва жамият маънавий соғломлигининг асосий омили ҳисобланади. Инсоният яралибдики, унинг турмуш тарзида байрамлар алоҳида аҳамиятга эга бўлиб келмоқда. Инсоният ҳаётини байрамсиз, анъана, маросим, урф-одатларсиз тасаввур қилиб бўлмайди. Байрамлар жамиятнинг маънавий гўзаллигини, халқнинг яшаш тарзи, турмуш шароитини дунёга қўз-кўз қилувчи асосий воситадир. Бирор давлатда нишонланаётган миллий байрамлар ёки жаҳон миқёсидаги тадбирларни кузатар эканмиз, ўша давлатнинг миллийлиги, ўзига хос урф-одатларини ўрганамиз. Демак, байрам ҳаётнинг энг нафис ва нафосатли хислатларини намойиш этувчи қўзгудир. Байрам жамиятнинг кечаси, бугуни, эртаси ҳақида далолат берувчи жонли манбадир.

Оммавий-маданий байрам тадбирлари инсоният моддий ва маънавий маданиятининг энг яхши томонларини кўрсатувчи омиллардан биридир. Оммавий байрамларда халқнинг энг диққатга сазовор урф-одатлари, удумлари, қўлга киритилган ютуқлари намойиш қилинади. Чунки кишилар, айниқса, ёшларга байрам кўтаринки кайфият бағишлийди, ўзларининг қобилияtlарини, ижодкорликларини намойиш қиласидилар. Демак, байрам – ижтимоий, маданий ва маънавий ютуқларни намойиш этувчи, шу ютуқлар асосида тарбияловчи муҳим воситадир. Шу боисдан байрамлар ёшлар тарбиясига ижобий таъсир қилувчи ўзига хос сеҳрли кучга эгадир.

АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ:

Оммавий-маданий байрам тадбирларининг мезонлари ва меъёрлари, даражаларини таҳлил қилишга бир қанча мусиқашунос, адабиётшунос ва файласуф олимлар алоҳида эътибор қаратишган. Жумладан, К.Б.Соколов (Социальная эффективность художественной культуры), У.Қорабоев (Ўзбек халқи байрамлари), Ф.Асқар (Мусиқа ва инсон маънавияти), Ш.Юсупов (Санъат ва ҳайрат), М.Нурмуҳаммедова, (Ўзбекистонда маданий-маърифий ишлар) Ф.Е.Ахмедов (Оммавий тадбир ва байрамлар режиссураси ва актёрлик маҳорати), И.Жабборов (Юксак маданият ва ноёб маънавият маскани) каби олимлар ўз асарларида оммавий-маданий тадбирларнинг моҳияти ва улар жамиятнинг ижтимоий жараёндаги тарбиявий аҳамияти тўғрисида маълумот берганлар⁵.

Профессор Усмон Қорабоев таъкидлашича, “Таълим муассассасида ўтказиладиган мавзули кечалар ўз шакл ва мазмуни жихатидан кўп жанрли ҳисобланади. Унинг асосий жанрлари эса қўйидагилардан иборат: хроника

⁵ Қаранг: Мазкур олимларнинг асарлари диссертациянинг фойдаланилган адабиётлар рўйхатида берилган.

кечалари; хикоя кечалари; портрет кечалари; анъанавий кечалар ва хоказо". Усмон Қорабоевнинг фикрларига яна шуни қўшимча қилишимиз мумкинки, мавзули кечанинг битта жанри бўйича ўтказилаётган тадбирнинг таркибига яна бошқа бир неча жанрлар ҳам киритилган бўлиши мумкин. Масалан, портрет кечалари жанри бўйича ўтказилаётган мавзули кечанинг таркиби бадиий ўқиш (монолог, шеърни ифодали ўқиш), саҳна асарларидан парчалар, қўшиқлар, рақслар ва хоказолардан иборат бўлиши мумкин.

МУХОКАМА ВА НАТИЖАЛАР

Оммавий-маданий байрамларнинг турлари кўп, асосан ёшлар билан ўтказиладиган байрамлар ҳақида фикр юритамиз. Маълумки, йил давомида қатор оммавий байрамлар ўтказилади, улар ёшлар тарбиясида катта ўрин тутади.

Булар: "Салом мактаб" ("Биринчи қўнғироқ"), "Мустақиллик байрами", "Ўқитувчилар ва мураббийлар куни" ("Ўқитувчилар куни"), "Хотира ва Қадрлаш куни", онажонлар байрами "8 Март куни", табиатнинг илк уйғониш даври – "Наврӯз" байрами, "Миллий армиямизнинг ташкил топган куни", "Сўнгти қўнғироқ", "Битирув кечаси" куни каби оммавий байрамлар шулар жумласидандир. Бу оммавий байрамлар турли вақтларда ўзига хос тантаналар билан ўтади. Чунки бу байрамлар заминида ўз мактабига ва устозларига меҳр-муҳаббат, ватанига садоқат, онажонлар олдидағи фарзандлик бурчини ўташ, она табиатни асраб-авайлаш, тинч-тотув ҳаётимиз қўриқчиси бўлган армиямизга, уруш фахрийларига миннатдорчилик туйғуси каби инсоний ҳистойгулар мужассамланган.

Бизнинг назаримизда, оммавий-маданий байрам тадбирларининг миллат маънавий дунёқарашини ва миллат миллий ғурурини шакллантиришдаги тутган ўрнини белгилаш, кўп жиҳатлардан, унинг "ғоявий-мафкуравий табиатини" англаш билан боғлиқ. Аммо, оммавий-маданий тадбирларнинг маънавий маданиятни шакллантиришдаги "мафкуравий функцияси" миллат миллий ғурурини шакллатиришга йўналтирилган институционал тизимнинг ташкилий жиҳатларини ифодалайди. Зеро, оммавий-маданий тадбирлар мафкура воситаси сифатида жамиятни ташкил қилган ижтимоий бирликларнинг (шу жумладан, шахснинг ҳам) маънавий фаолиятининг мақсад йўналишларини бадиий образларда ифодалаб, уларни амалга ошириш йўлларини белгилаб беради. У ижтимоий гурухларнинг маънавий ҳатти-ҳаракатлари ва хулқ-атворлари дастурини ёки идеалларини ишлаб чиқиша фоявий-назарий асос бўлиб хизмат қиласи.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, оммавий-маданий тадбирлар ёшларнинг миллий ғурурини шакллантиришда энг асосий омиллардан биридир. Оммавий-маданий байрам тадбирлари умуминсоний манфаатлар ва интилишларнинг тўғридан-тўғри ифодасидир. Иккинчидан, мамлакатдаги ижтимоий жараёнларнинг оммавий-маданий тадбирлар таркибига сингиб бориши, уларнинг ватанпарварлик ва инсонпарварлик хусусиятларида намоён қиласи. Учинчидан, оммавий-маданий тадбирлар ёшларнинг маънавий-маданий қарашлари тизимида маълум идеалларни бадиий образларда рўёбга чиқаради. Тўртинчидан, шахснинг маънавий воқелик моҳиятига бадиий образлар ёрдамида кириб бориши, маънавий эстетик идеал табиатининг шу воқеликка адекватлигини билишига боғлиқдир.

Маданиятимизга яқин бўлган давлатлардан бири, Хитойда оммавий байрамлар бугунги кунда жамиятнинг ижтимоий, иқтисодий, мафкуравий жараёнларини кўрсатиб беради. Шунингдек, Хитойда байрамларнинг юздан ортиқ кўриниши мавжуд бўлиб, асосан, Баҳор байрамининг мазмуни таҳлил қилинади. Байрамлар Хитой номоддий маданий меросининг муҳим таркибий қисми сифатида қаралади. Анъанавий байрамлар ва урф-одатларни тиклаш лойиҳаси замонавий даврда Хитой миллатининг маданий қурилиши билан кўтарилиган янги мавзу бўлиб дунёда амалга оширилаётган глобаллашув жараёнлари контекстида ажралмас аҳамиятга эга⁶.

Ижрочи ва томошабин ўртасида вужудга келадиган ўзига хос ва жуда яқин хиссий-эмоционал муносабатлар ўтказиладиган мавзули кечаларнинг тарбиявий аҳамияти юқори бўлиши учун имконият яратади. Шу имкониятдан амалда қандай фойдаланилаётганлигини ўрганиш мақсадида бир неча мактаблар ва олий ўқув юртларида ўтказиладиган мавзули кечаларни кузатдик ва таҳлил қилдик. Кузатган байрам-кечаларининг аксарияти юқори ғоявий-бадиий савияда ўтди. Айниқса, оммавий-маданий тадбир сифатида ривожланиб бораётган “Тил байрами”, “Китоб байрами”, “Алифбе байрами”, “Хеч кимга бермаймиз сени, Ўзбекистон!” мавзусидаги кечалар ёшларда жуда катта таассурот қолдирди.

“Тил байрами”да йифилган ёшлар Тил инсонларнинг ўзаро алоқа воситаси бўлиб, яратувчининг инсонга берган бебаҳо неъмати эканлиги ҳамда миллатларнинг миллатдан ажратиб турувчи белгилардан бири эканлиги ҳақида шеърлар айтиб, қўшиқлар куйладилар. Шунингдек, “Китоб байрами”да ўқувчи-ёшлар китоб кишиларнинг билим олиши ва дунёқарашининг кенгайиши, касб

⁶ Ли Чан. Традиционные китайские праздники: происхождение и современное состояние. –Минск: Белорусский государственный университет искусств. –С.180.

сирларини эгаллаши учун хизмат қилиши ҳақида байрам иштирокчилари ўз фикрларини билдириб ўтдилар. Анъанавий байрам тусини олиб бораётган “Алифбе байрами”нинг тарбиявий аҳамияти шундан иборатки, унда ҳар бир ўқувчи ўзининг олган билими натижаларини намоён қиласи. Бу байрам тадбирлари ўқувчиларнинг китоб ўқишига бўлган қизиқишларини янада оширади⁷.

“Хеч кимга бермаймиз сени, Ўзбекистон!” мавзусидаги кечада ёшлар терроризмга қарши уларнинг ёвуз башарасини фош этадиган саҳна қўринишларидан парчалар тақдим этдилар, ватанпарварлик мавзусида шеърлар ўқидилар ҳамда ракс ва қўшиқлар ижро қиласи.

“Маданий ҳаётимиз равнақи йўлида ҳоят муҳим аҳамиятга эга бўлган бу ишларни амалга ошириш, рўёбга чиқаришда...”⁸ соҳага тегишли бўлган муассаса ходимлари ўзларининг муносабатини қўшишлари лозим.

ХУЛОСА

Хулоса ўрнида шуни айтиш мумкинки, таълим муассасаларида таҳсил олаётган ёшларимизнинг ахлоқий маданиятини юксалтиришда оммавий-маданий тадбирлар жуда муҳим ўрин тутади. Чунки ҳар бир ўтказиладиган оммавий-маданий тадбир асосида, юқорида таъкидлаганимиздек, Ватан равнақи, юрт тинчлиги, халқ фаровонлиги, комил инсон, ижтимоий ҳамкорлик, миллатлараро тотувлик, динлараро бағрикенглик каби ғоялар ётади. Шунингдек, оммавий-маданий тадбирларни ўтказишда таълим ҳамда маданий-маърифий муассасалар имкониятларини бирлаштириш янада юқори самара беради.

Бугунги кунда оммавий-маданий тадбирлар кўламишининг кенгайиб бориши ва маълум даражада мураккаблашуви ундан турли соҳаларнинг ўзаро алоқасини, илмий асосда марказлашган, режали бошқарувни талаб этмоқда. Бу эса оммавий-маданий тадбирларнинг илмий жиҳатларини ўрганишни тақазо этмоқда.

Ўзбекистоннинг қўлга киритган энг катта бойликларидан бири шуки, шахс тафаккурида сифат ўзгаришлар юзага келди. Бугунги ёшларнинг ижтимоий фаоллиги, сиёсий-хуқуқий маданияти, маънавий қиёфаси билан мамлакатимизда олиб борилаётган бунёдкорлик ишларига ўзларининг салмоқли ҳиссаларини қўшмоқдалар.

⁷ Корабоев У. Ўзбек халқи байрамлари. –Тошкент. Шарқ нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси бош таҳририяти. 2002. –Б. 199-200

⁸ Мирзиёев Ш.М. Халқимизнинг розилиги бизнинг фаолиятимизга берилган энг олий баҳодир. –Тошкент: Ўзбекистон. НМИУ. 2018. 2-том. –Б. 221

АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ (REFERENCES):

1. Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. –Т.: Маънавият. 2008. –Б. 12-13
2. Носирова А. Жонли сўз санъати асослари. –Т.: Ўқув қўлланма. 2003. –Б. 182
3. Қорабоев У. Ўзбек халқи байрамлари. –Т.: Шарқ нашриёт – матбаа акциядорлик компанияси бош таҳририяти. 2002. –Б. 3
4. Мазаев А.И. Праздник как социально-художественное явление. –М.: Наука. 1978. С. 172
5. Ли Чан. Традиционные китайские праздники: происхождение и современное состояние. –Минск: Белорусский государственный университет искусств. –С.180.
6. Қорабоев У. Ўзбек халқи байрамлари. –Тошкент. Шарқ нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси бош таҳририяти. 2002. –Б. 199-200
7. Мирзиёев Ш.М. Халқимизнинг розилиги бизнинг фаолиятимизга берилган энг олий баҳодир. –Тошкент: Ўзбекистон. НМИУ. 2018. 2-том. –Б. 221.
8. Нажметдинова М.М Оммавий-маданий тадбирларни ташкил қилишда спорт ўйинларининг ўзига хос хусусиятлари. “Improving the professional theoretical and Practical training of physical culture Specialists in the higher education system of Our country”International scientific and practical Conference 4 mart 2023. 82-85
9. Нажметдинова М.М Ёшлар ахлоқий тарбиясини юксалтиришда оммавий-маданий тадбирларнинг фалсафий таҳлили. Eurasian journal of social sciences, philosophy and culture Innovative Academy Research Support Center UIF = 8.2 | SJIF = 6.051 Received:27tn May 2023. Volume 3 Issue 6, June 2023 ISSN 2181-2888 Page 17-24
10. Нажметдинова М.М. Ёшларнинг эстетик шакллантиришда аждодлар меросининг тутган ўрни. FARS International journal of Education Social Science Humanities. Finland Academic Research Science Publishers Volume-11 Issue-5. 22-05-2023 <https://doi.org/10.5281/zenodo.7964710>. 1185-1191